

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## Давлат харидларининг махсус ахборот портали очилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида парламентимиз турли соҳаларни тубдан яхшилашга қаратилган самарали қонунларни ишлаб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу боисдан ҳам депутатлар қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Мажлисида депутатлар «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Депутатлар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

Шу тўғрисида ҳам кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси муҳим аҳамиятга моликдир.

Бундан ташқари, дунёнинг айрим мамлакатлари халқаро тажрибасини ўрганиш шунинг кўрсатадики, АҚШ, Чили, Россия Федерацияси, Беларусь ва Қозғистон сингари мамлакатлар давлат харидларининг энг самарали тизими-га эга бўлиб, уларда хариднинг бутун жараёни ягона ҳужжат – қонун билан тартибга солинади.

Мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, қонун лойиҳаси давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, амалиётдаги мавжуд қарама-қаршиликлар ва эскирган нормаларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Депутатлар қонуннинг қабул қилиниши давлат харидлари тизимининг очиқлиги ва шаффофлигини оширишини алоҳида



таъкидладилар. Чунончи, қонун лойиҳасида давлат харидларининг махсус ахборот порталини очиш назарда тутилмоқда.

Шундай қилиб, мамлакатимизда давлат харидларининг аниқ тизими йўлга қўйилади, у бюджет маблағлари ва бошқа молиявий маблағлардан юқори даражада самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлайди. Ўз навбатида, бу чора-тадбирлар ушбу соҳадаги соғлом рақобатни мустаҳкамлашга ва коррупция ҳолатларини истисно этишга хизмат қилади.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси, Қозғистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида уч давлатнинг Давлат чегаралари туташган нуқтаси ҳудуди тўғрисидаги Шартнома (Самарқанд, 2017 йил 10 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар.

Шартномада Ўзбекистон, Қозғистон ва Туркменистоннинг давлат чегаралари туташган нуқтасининг ҳудуди ҳудудидаги давлат чегаралари линияси жойлашган ер ҳамда туташган нуқта ҳудудидаги давлат чегаралари линиялари ўтадиган жой белгилаб қўйилган, шунингдек, тегишли тавсиф тузилган.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама қилиш сиёсий партиялар фракцияларининг нуқтаи назарини иноватга олган ҳолда ўзаро манфаатли мунозара шаклида ўтди. Муҳокама этилган қонун лойиҳаларини маъқуллаш ҳамда иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Қонунчилик палатаси  
Ахборот хизмати хабари асосида.

ИСЛОХОТ

## Молия тизимидаги вакант ўринларга фидойи ёшлар тавсия қилинди

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, соҳани нопок кадрлардан тозалаш зарурлигини таъкидладилар.

Шу кунларда Молия вазирлигида бу борада қатор амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жумладан, вазирлик ва унинг қўйи бўғинларидаги вакант иш ўринларига юксак маънавиятли, янгича фикрлайдиган, билимли, ташаббускор, ҳалол ва фидойи ёшларни жалб қилиш, янги авлод кадрлари захирасини яратиш борасида аниқ вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мамлакатимиздаги иқтисодий ёналишига ихтисослашган олий таълим муассасалари билан биргаликда молия органларига ишга қабул қилиш учун фаол ёшлар ва талабалардан номзодлар захирасини яратиш борасида ишларни бошлаб юборди. Ёшлар иттифокнинг веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда берилган эълонлар асосида молия органларида ишлаш истагини билдирган

3 минг 100 дан зиёд йигит-қиз орасидан 490 нафари сараланиб, Молия вазирлигига тавсия этилди. Шунингдек, вазирлиқнинг Ёшлар етакчилари кенгашига ҳам соҳада ишлашни мақсад қилган 90 дан ортиқ ёшнинг ҳужжатлари келиб тушган.

Айни кунларда Молия вазирлиги тизимидаги мавжуд бўш иш ўринларини замонавий кўникмалар, инновацион гояларга эга бўлган, Ватанни севадиган, халқларвар кадрлар, фидойи ёш мутахассислар билан тўлдириш ишлари амалга оширилмоқда.

Вазирлик мутасаддилари Президентимизнинг Мурожаатномасида билдирилган танқидий фикрлар асосида ўз фаолиятларини таҳлил қилиб, қайтадан кўриб чиқмоқда.

ЎЗА.

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтыда танишиб чиқишингиз мумкин.



## Марказий банк ликвидлилик танқислиги юзага келганда банкларни кредитлайди

«Марказий банк тўғрисида»ги Қонунга қўшимчалар киритилди. Тузатишлар 3.01.2018 йилдаги «Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан киритилмоқда.

2-Бетда

Ушбу  
сонда:

7-БЕТ

Янги йил учун – янги қайта баҳолаш индекслари

2018 йилги иш вақти ҳисоб-китоби

8-БЕТ

Хорижий валюталарнинг 2017 йилги динамикаси қандай?

## Марказий банк ликвидлилик танқислиги юзага келганда банкларни кредитлайди



Марказий банк ўзи белгиланган шартларда банкларга кредит беришга ҳақли. Бундай кредитлар олтин, валюта бойликлари, давлат қарз мажбуриятлари, тижорат векселлари ва ҳисозлар таъминоти остида берилади.

Тузатишларга кўра, банкларда ликвидлилик танқислиги юзага келган, гаров активлари эса мавжуд бўлмаган ҳолларда Марказий банк банкларга қисқа муддатли таъминотсиз кредитлар беришга ҳақли. Бу ҳолатда кредитлаш тартиби ва шартларини Марказий банкнинг ўзи белгилайди ҳамда уларни ОАВда, шунингдек ўз расмий сайтида эълон қилади.

**Маълумот учун:** Халқаро молиявий ҳисобот стандартларида қўлланиладиган терминологияга

## 65 ёшдан катта пенсионерлардан ортиқча тўланган пенсия ундирилмайди

Президентнинг 28.12.2017 йилдаги ПФ-5291-сон Меҳнат фаолиятини амалга ошираётган пенсионерларнинг алоҳида тоифаларига қўлай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.

Пенсиялар ва нафақалар тўғри ҳисобланишини текшириш натижалари бўйича аниқланган ортиқча тўланган пенсиялар ва нафақаларнинг қолдиқлари суммалари (1.01.2018 йил ҳолатига):

- 65 ёш ва ундан катта фуқаролардан;
- агар пенсия ёки нафақа 2010 йилгача бўлган муддат учун тайинланган бўлса, ҳисобдан чиқарилади.

**Пенсионер рози эмасми – судга мурожаат қилиш мумкин**

Шу йилдан бошлаб ортиқча тўланган пенсияни уш-

лаб қолишнинг янги тартиби жорий этилади. Эндиликда пенсионер бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг ортиқча тўланган пенсия суммаларини ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда қарз суд тартибиде, бироқ у аниқланган санадан эътиборан 3 йилдан кўп бўлмаган муддат учун ундирилади.

**Маълумот учун.** Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг қарорига асосан:

## Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти учун инвойсда – 10 та устун

Вазирлар Маҳкамасининг 14.12.2017 йилдаги 984-сон қарори билан озиқ-овқат маҳсулотлари экспортида инвойс қандай маълумотларни ўз ичига олиши кераклиги белгиланди.

**Маълумот учун:** Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низомига (30.09.2003 йилдаги 416-сон ВМҚга 1-илова) қиртилган сўнаги ўзгартиришларга кўра инвойс – товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш учун ҳисобварақ-фактура.

Унда қуйидагилар кўрсатилади:

- экспорт қилувчи (импорт қилувчи)нинг номи ва реквизитлари;
- инвойс суммаси;
- экспорт қилувчининг СТИРи;
- товарлар (ишлар, хизматлар)нинг номи (кейинги ўринларда – товар);

## Давлат хизматлари – ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхаларисиз

Ҳукумат ўзининг 20.12.2017 йилдаги 1001-сон қарори билан давлат органларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан давлат хизматларини олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг аслидан ўзлари нусха олишлари ва тасдиқлашлари мажбуриятини юклайди. Ҳужжатларнинг асли эгаларига қайтарилади.

Шу тариқа, давлат хизматини олиш учун энди нотариал идорага бориш учун вақт ва пул сарфлашга ҳожат йўқ.

**Бу – муҳим!** Бироқ қуйидаги ҳолатларда ҳужжат-

ларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари талаб этилади:

- ҳужжат хорижда ҳаракат (фойдаланиш – тахр.) учун зарур бўлса;

## Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолик бадалини ким тўлайди

Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қарори билан (АВ томонидан 19.12.2017 йилда 2957-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Фермер хўжаликларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига (кейинги ўринларда – Кенгаш) ўтказиш ва тасдиқланадиган смета асосида харажат қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Белгиланишича, пахта хом ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари ҳар йили пахта хом ашёси харид нархиде кўзда тутилган 0,8% миқдордаги маблағни Кенгашга тўлайди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишлардаги фаолият турлари билан шугулланувчи фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари (кейинги ўринларда – деҳқон хўжаликлари) аъзолик шартномасида белгиланган миқдорда ўз даромадлари ҳисобидан тўлайди.

Аъзолик шартномаси аъзолик бадалини тўлаш учун асос ҳисобланади, унда тўловлар миқдори белгиланади. Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа

ер эгалари кенгашлари туманда фаолият кўрсатаётган ҳар бир фермер ва деҳқон хўжаликлари билан ихтиёрийлик асосида мазкур шартномаларни тузади.

Пахтачилик фермер хўжаликларининг махсус ҳисобварағига кириб қилинган маблағлар (пахта хом ашёси харид нархининг 0,8 фоизи миқдорида) тўлов талабномалари асосида тижорат банклари томонидан туман кенгашларининг махсус ҳисобварақларига ўтказиб берилади. Бошқа фермер ва деҳқон хўжаликлари эса маблағларни тўлов топшириқномаларига мувофиқ ўтказиб беришади. Пировардида барча маблағлар Кенгашнинг махсус ҳисобварағига йиғилади ва барча даражадаги кенгашларнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметаларига асосан фойдаланилади.

биноан ликвидлилик деганда депозитлардан маблағлар ечилиши тўлаш ва тўлов муддати келганда барча бошқа молиявий мажбуриятлар бўйича жавоб бериш учун етарли маблағлар мавжудлиги тушунилади.

Ликвидлилик коэффициентлари барча банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий норматив сифатида Марказий банк томонидан белгиланади.

**Қонун «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган ва 5.01.2018 йилдан кучга кирди.**

- пенсионер томонидан суиистеъмоликлар (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини ўйқотганлик пенсияси ёки нафақаси тайинланган оила аъзолари таркибидеги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаганлиги) натижасида;
- ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда пенсиядан ушланмалар қилинади.

**Ишлаганмисиз? Суд тасдиқлайди!**

Худудий пенсия бўлиналари фуқароларга иш стажини тасдиқлаш тўғрисидаги суд даъволарини тайёрлашда кўмак беради. Судларга шахсларнинг иш стажини тасдиқлаш тўғрисидаги даъволарини ишлашнинг юридик фактини белгилаш қисмида қўриб чиқиш тавсия этилди.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинди ва 29.12.2017 йилдан кучга кирди.**

- товарнинг ўлчов бирлиги;
  - товарнинг миқдори;
  - товарнинг нархи;
  - товарни етказиб бериш қиймати;
  - ИНКОТЕРМС (халқаро савдо атамалари талқини; халқаро савдонинг барча субъектлари бўйсунадиган халқаро қоидалар) бўйича етказиб бериш шартлари;
  - транспортировка қилиш тури.
- Инвойс экспорт қилувчининг имзоси ва муҳри (агар мавжуд бўлса) билан тасдиқланади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 18.12.2017 йилдан кучга кирди.**

- ҳужжат хорижий давлатлар органлари томонидан тасдиқланган ёки берилган бўлса;
- ҳужжатга апостил қўйилиши ёки у легаллаштирилиши лозим бўлса;
- қонунда тўғридан-тўғри кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

Вазирлар Маҳкамасининг шу қарори билан 50 дан ортиқ аниқ ҳужжатларнинг нусхаларини нотариал тасдиқлаш бекор қилинди.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 23.12.2017 йилдан кучга кирди.**

ер эгалари кенгашлари туманда фаолият кўрсатаётган ҳар бир фермер ва деҳқон хўжаликлари билан ихтиёрийлик асосида мазкур шартномаларни тузади.

Пахтачилик фермер хўжаликларининг махсус ҳисобварағига кириб қилинган маблағлар (пахта хом ашёси харид нархининг 0,8 фоизи миқдорида) тўлов талабномалари асосида тижорат банклари томонидан туман кенгашларининг махсус ҳисобварақларига ўтказиб берилади. Бошқа фермер ва деҳқон хўжаликлари эса маблағларни тўлов топшириқномаларига мувофиқ ўтказиб беришади. Пировардида барча маблағлар Кенгашнинг махсус ҳисобварағига йиғилади ва барча даражадаги кенгашларнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметаларига асосан фойдаланилади.

**Ҳужжат 20.12.2017 йилдан кучга кирди.**

Олег Заманов, Ленера Хикматова, Самир Латипов, «Norma Online» экспертлари.

|            |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
|------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| УШБУ СОНДА | <ul style="list-style-type: none"> <li>• ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА</li> <li>– Давлат харидларининг махсус ахборот портали очилди</li> <li>• ИСЛОХОТ</li> <li>– Молия тизимидаги вакант ўринларга фойд</li> <li>• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР</li> <li>– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1-2-бетлар</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР</li> <li>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори</li> <li>– Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида (Қўчирма)</li> <li>Идораий-меъёрий ҳуқуқий ҳужжат:</li> <li>– ЎЗР МВ, ИВ, ДСҚнинг «Савдо фаолиятини</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.</li> <li>Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 2 декабрдан 15 декабргача бўлган маълумот</li> <li>3-6-бетлар</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• БУХГАЛТЕРГА ЕРДАМ</li> <li>– Қайта баҳолаш индекслари</li> <li>– 2018 йилги иш вақти ҳисоб-китоби</li> <li>7-бет</li> <li>• АМАЛИЙ АХБОРОТ</li> <li>– Хорижий валюталар расмий курсининг Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан 2017 йилги динамикаси</li> <li>8-бет</li> </ul> |
|            |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
|            |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
|            |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб бо-  
сиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetaları birlashgan  
tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



# РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида (Кўчирма).

## • ИДОРАВИЙ-МЕЎЁРИЙ ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТ:

– УЗР МВ, ИВ, ДСҚнинг «Савдо фаолиятини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

• МЕЎЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 2 ДЕКАБР-ДАН 15 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2018 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

(Кўчирма\*\*)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети, мақсадли давлат жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида» 2017 йил 13 декабрдаги 1341-III-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети, мақсадли давлат жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида» 2017 йил 20 декабрдаги ПС-241-III-сонли қарорини бажариш юзасидан:

3. 2018 йил учун:

ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи билан бирлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкалари 7-иловага\*\*\* мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари 8-иловага\*\*\* мувофиқ;  
ягона солиқ тўлови ставкалари 9-1, 9-2 ва 9-3-илваларга\*\*\* мувофиқ;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича юридик шахслардан ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 10-иловага\*\*\* мувофиқ;

яқка тартибдаги тадбиркорлардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 11-иловага\*\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фойзалар тарзида тўланадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоиз миқдорида;

қўшилган қиймат солиғи ставкалари 20 фоиз миқдорида;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг худудига четдан келтириладиган акция солиғига тортиладиган товарларга акция солиғи ставкалари 12-1 ва 12-2-илваларда\*\*\* келтирилган рўйхатга мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 13-иловага\*\*\* мувофиқ;

ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 14-иловага\*\*\* мувофиқ;

имзоланадиган бонус ва тижоратбоп топилма бонуси ставкалари 15-1 ва 15-2-илваларга\*\*\* мувофиқ;

айрим турдаги маҳсулотлар бўйича қўшимча фойда солиғи ставкалари 16-иловага\*\*\* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари 17 ва 18-илваларга\*\*\* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари 19-иловага\*\*\* мувофиқ;

ягона ер солиғи ставкалари 20-иловага\*\*\* мувофиқ;  
маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 21-иловага\*\*\* мувофиқ;

Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар ставкалари 22-иловага\*\*\* мувофиқ;

маблагларни Пенсия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида тақсимлаган ҳолда ягона ижтимоий тўлов ставкалари 23-иловада\*\*\* келтирилган нормативларга мувофиқ;

фуқароларнинг Пенсия жамғармасига мажбурий сугурта бадаллари ставкаси 8 фоиз миқдорида тасдиқлансин.

4. Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар ягона тўловга – унинг ставкасини 3,2 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлови этиб бирлаштирилсин.

Мажбурий ажратмаларни Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ўртасида

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) расман эълон қилинган, 2017 йил.

\*\*Ужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТда ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

\*\*\*Ушбу қарорга 7, 8, 9-1, 9-2, 9-3, 10, 11, 12-1, 12-2, 13, 14, 15-1, 15-2, 16, 17, 18, 20, 21, 22, 23, 25, 26, 27, 32-илвалар «СБХ» ушбу сонининг ҳужжатлар пакетида чоп этилган.

\*\*\*\*Ушбу қарорга 19-илова «СБХ»нинг келасуи сонидида чоп этилади.



тақсимлаш 24-иловада келтирилган нормативлар бўйича амалга оширилади.

5. Белгилансинки, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб тайёрлов ташкилотлари товар айланшидан ягона солиқ тўловини ўрнатилган ставка бўйича тўлайдилар.

6. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг яқна тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий бадаллар миқдори оширилган ҳолда 2 фоиз миқдорда белгилансин ҳамда жисмоний шахсларнинг бюджетга тўланадиган даромад солиғи миқдори фуқароларнинг яқна тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган маблағлари миқдорда камайтирилсин.

7. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, жами майдони 1 гектардан кўпроқ ер участкасига эга бўлган ягона солиқ тўловини тўловчилар учун ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисобга олиб, ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибини бекор қилиш билан бир вақтда улар учун жами майдонига ер солигини тўлаш жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси бир ой мuddатда ягона солиқ тўловчиларининг ер солигини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Назарда тутилсинки, юк ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар учун, солиққа тортиш тизимидан қатъи назар, битта транспорт воситасига ҳисобланган улар томонидан тўланаётган солиқлар ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг жами миқдори яқна тартибдаги тadbиркорлар ушбу фаолият тури бўйича тўлаётган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Қўшимча равишда ҳисоблаб чиқрилган сумма юридик шахсларнинг фойда солиғи ёки ягона солиқ тўлови тўланиши ҳисобига қўшилиши белгилаб қўйилсин.

9. Ягона солиқ тўловларидан келадиган тушумлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорларда тақсимланиши белгилаб қўйилсин.

Шу нарса кўзда тутилсинки, микрофирмалар ва кичик корхоналар бўйича ягона солиқ тўловида келадиган тушумларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ўртасида тақсимлаш ягона солиқ тўлови суммасидан ажратмаларнинг 8 фоизини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда чиқариб ташлаган ҳолда амалга оширилади. Бунда, 8 фоиз миқдорда тўлаётган ягона солиқ тўлови суммасининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи жамғармасига ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига йўналтирилади.

Белгилансинки, маблағларни тақсимлаш 2018 йилнинг 1 февралидан кейин тушган ягона солиқ тўлови суммасидан амалга оширилади.

10. Нотижорат ташкилотларига 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона солиқ тўловини микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган тартибда, ҳодимлар сонидан қатъи назар уларнинг тadbиркорлик фаолиятидан олинган даромадлари қисмидан тўлаш ҳуқуқи берилсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ кўчмас мулкнинг қўнун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган кадастр қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда солиққа тортиш мақсадида жисмоний шахслар

кўчмас мулкнинг кадастр қийматини белгилаш тартибини тасдиқласин.

Мол-мулкни кадастр қийматидан келиб чиқиб солиққа тортишга ўтилгандан сўнг, солиқ юқининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида жисмоний шахслар мулкига кадастр қиймати асосида белгиланган солиқ миқдори 2017 йилда ҳисобланган солиқ суммасидан 1,2 баравардан кўпроққа оширилиши мумкин эмаслиги назарда тутилсин.

12. Мол-мулкни ижарага беришдан олиннадиган даромадларни солиққа тортиш шартномада белгиланган ижара тўлови суммасидан келиб чиққан ҳолда белгилансин, лекин:

юрдик шахслар учун – давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларидан;

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун – 25-иловага\*\*\* мувофиқ белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган суммадан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

13. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб мобиль алоқа хизмати кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов ҳақи, маблағларни 26-иловага\*\*\* мувофиқ тақсимлаган ҳолда, оийга 4000 сўм миқдорда белгилансин.

14. Қарзни ундиришни солиқ тўловчилар мол-мулкига қаратиш учун солиқ бўйича қараларнинг энг кам миқдорлари 27-иловага\*\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

23. 2023 йилнинг 1 январига қадар:

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 60-63-моддаларига кўрсатилган манбалардан қўшимча даромад олувчи бюджет ташкилотлари ундириб олиннадиган барча турдаги солиқлардан, Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган чет эл олий таълим муассасалари уларнинг Ўзбекистон Республикасида амалга ошираётган таълим фаолияти доирасида барча турдаги солиқларни ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмаларни, шунингдек, чет эллик ҳодимларнинг меҳнат ҳақи фонди қисмида ягона ижтимоий тўлов ва жисмоний шахсларнинг даромад солигини тўлашдан озод қилинсин.

28. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликларига халқ депутатлари тегишли Кенгашлари билан келишилган ҳолда:

молия йили мобайнида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги қўшимча, кўзда тутилмаган харажатларни ўз вақтида ва узлуксиз молиялаштиришни таъминлаш учун тегишли бюджетлар сарф-харажатларининг умумий ҳажмидан 1 фоизи миқдорда туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг захира жамғармаларини шакллантириш;

минтақанинг ва фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний шахсларнинг мол-мулкidan олиннадиган солиқ ва жисмоний шахсларнинг ер солиғи бўйича белгиланган ставкаларга нисбатан 0,7 дан 1,3 гача пасайтирилуви ва оширилуви коэффициентлари ўрнатиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, тўртинчи гуруҳ бўйича харажатлар сметасини ижро этиш жараёнида ҳудудий молия органлари томонидан оптимallashtirilgan бюджет маблағлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетлари захира жамғармасини, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини қўпайтиришга йўналтирилади ҳамда ўрнатилган тартибда фойдаланилади.

30. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 1 июлига қадар мuddатда тақдим этилган имтиёзлар бекор

қилинган ва мазкур солиқ тўловчилар доираси кенгайишини ҳисобга олган ҳолда қўшилган қиймат солиғи ставкасини пайсга қилиш бўйича таклифлар киритсин.

31. 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб:

маҳаллийлаштириш дастурларига киритилган корхоналарга, шу жумладан, амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича берилган;

юрidik шахсларнинг фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича экспорт улушига боғлиқ ҳолда экспортёр-корхоналарга тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 июлига қадар илгор хориқ тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, жумладан:

маблаглар келиб тушиши ва сарфланиши устидан мониторинг ҳамда назорат қилишнинг ушбу жараёнини реал вақт режимида кузатиш имконини берадиган самарали ва замонавий механизмларини татбиқ этиш;

ҳўжалик юритувчи субъектлардаги давлатга тегишли акциялар (улушлар)дан республика бюджетига дивидендлар тўлаш механизмларини такомиллаштириш йўли билан бюджет жараёнининг шаффофлигини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш концепцияси лойиҳасини киритсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси:

2018 йилнинг 15 апрелига қадар давлат улушига эга бўлган барча ҳўжалик жамиятлари бўйича бошланган йилнинг бизнес-режалари Молия вазирлиги билан келишиб олинишини таъминласин;

Молия вазирлиги ва манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 майига қадар ҳўжалик жамиятларининг устав жамғармаларидаги давлат активларини ёлпасига хатловдан ўтказсин.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 1 декабрига қадар устав жамғармаларида 50 фоиз ва ундан кўпроқ давлат улушлари мавжуд корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолияти таҳлил этилишини таъминласин ҳамда ушбу жамиятларда давлат иштирокини оптималлаштириш ва корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

36. Сарф-харажатлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан қопланиши назарда

тутилдиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурларини, шунингдек, тармоқ ёки минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш мазкур тармоқ ёки минтақа бўйича жорий йил учун назарда тутилган маблаглар доирасида амалга оширилиши белгиланган бўлисин.

37. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари ва халқаро донорлар маблагларини, ҳомийларни жалб этиш ҳисобига нейросенсорли кулоқ оғирлиги ва карлик дардига чалинган болаларда қохлеар имплантациясини ўтказиш тадбирлари молиялаштирилишини таъминласин.

38. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун 2018 йилда ота-оналар тўлови миқдорлари 32-иловага\*\*\* мувофиқ белгилансин.

39. Белгиланган бўлисинки, 2017 йилнинг сентябрь-декабрь ойлари даврида катод миси ва табиий газ бўйича қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиққа тортилдиган база миқдори (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғидан ташқари) «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5284-сонли Фармони билан белгиланган нормаларга мувофиқ ҳисобланади.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли қарори 24-банднинг амал қилиши 2019 йилнинг 1 январига қадар узайтирилсин.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 33-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

45. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

46. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Содиқов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмуродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини  
Ш.МИРЗИЕВ.**

Тошкент ш.,  
2017 йил 29 декабрь  
ПҚ-3454-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ,  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ**

**САВДО ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ЯККА ТАРТИБДАГИ  
ТАДБИРКОРЛАРNING ДАРОМАДЛАРИНИ ВА ТОВАР ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ  
ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2958**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 30.12.2017 йилдаги 52 (812)-сон, 1270-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан

ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низоом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Молия вазири**  
**Б.ХОДЖАЕВ**  
165-сон

**Иқтисодиёт вазири**  
**Г.САИДОВА**  
151-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси**  
**Б.ПАРПИЕВ**  
2017-68-сон

Тошкент ш., 2017 йил 27 ноябрь.

ЎЗР МВ, ИВ ва ДСҚнинг  
2017 йил 27 ноябрдаги 165, 151 ва  
2017-68-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## САВДО ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ ВА ТОВАР ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низоом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон «Юридик ва jisмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ юридик шахсни ташкил этмасдан чакана савдо фаолиятини амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорларнинг (бундан буён матнда якка тартибдаги тадбиркорлар деб юритилади) даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чакана савдо мазкур Низоомга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мувофиқ амалга оширилади.

2. Импорт товарлари савдосини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркор сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак.

### 2-БОБ. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ДАРОМАДЛАРИНИ ВА ТОВАР ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ РЕГИСТРАРИ

3. Чакана савдо фаолиятини амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорлар даромадлар ва амалга оширилган товар операциялари ҳисобини даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида юритишлари шарт.

4. Қўйдагилар даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари ҳисобланади:

чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари (бундан буён матнда Ҳисоб дафтари деб юритилади);

Товар чеклари дафтари.

Ҳисоб дафтари ва Товар чеклари дафтари шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) 15-илоvasи билан тасдиқланган.

5. Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан рўйхатдан ўтказилади (бундан буён матнда солиқ органи деб юритилади). Бунда якка тартибдаги тадбиркор солиқ органига мазкур Низоомнинг иловасига мувофиқ шаклда ариза тақдим этиши керак.

Аризига даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари илова қилинади.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Солиқ органи рўйхатдан ўтказишни асослангирлан ҳолда рад этади ёки якка тартибдаги тадбиркорга у шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатган ҳолда тилхат билан:

ҳужжатлар олинган пайтдан бошлаб уч иш куни мобайнида – Ҳисоб дафтари;

ҳужжатлар олинган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида – Товар чеклари дафтари тақдим этади.

7. Янги Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари фақат якка тартибдаги тадбиркор томонидан аввал рўйхатдан ўтказилган регистр тақдим этилганидан кейингина рўйхатдан ўтказилади. Солиқ органи регистрлари рўйхатдан ўтказиш журналига тегишли белги қўяди, аввалги регистрнинг бўш устунлари, сатрлари ва varaқлари устидан чидади ва янги регистрни рўйхатдан ўтказиши.

8. Ҳисоб дафтари ва Товар чеклари дафтари солиқ органи муҳри билан тасдиқланади.

9. Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида барча кўрсаткичлар тузатиш ва қисқартиришларсиз шарикли ручкада (хаворанг, бинафша ёки қора рангда) тўлдирилади. Нотўғри маълумотларга эга ёзувлар бузилган ҳисобланади ва устидан чизилади ҳамда якка тартибдаги тадбиркорнинг имзоси билан тасдиқланади.

10. Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари охириги ёзув киритилган пайтдан бошлаб беш йил мобайнида якка тартибдаги тадбиркорда сақланади ҳамда рақамланishi, ип билан тикилиши ва солиқ органи муҳри билан тасдиқланиши керак.

### 3-БОБ. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН ДАРОМАДЛАР ВА ТОВАР ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

11. Ўз фаолиятининг хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар Товар чеклари дафтари юритишлари шарт.

12. Ҳисоб дафтаридаги ёзувлар уларни тўғрилигини тасдиқлаш учун Ҳисоб дафтари билан бирга сақланадиган ҳужжатлар асосида юритилади.

13. Қўйдагилар юридик шахслар – ишлаб чиқарувчилар ёки ултуржи савдо билан шуғулланадиган юридик шахслардан харид қилинган товарларни сотиш чоғида товарларни харид қилиш манбаини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади:

шартнома;

агар шартномада олдидан тўла ёки қисман ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса, етказиб берилган товарлар учун ҳақ тўлангани тўғрисида тўлов топшириқномасининг нусхаси. Агар шартномада олдидан ҳақ тўлаш назарда тутилмаган

бўлса, сотиш пайтида тўлов топшириқномасининг нусхаси талаб қилинмайди, лекин етказиб берилган товарлар учун ҳақ тўланганидан кейин, товарларни харид қилиш манбаини тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан бира, белгиланган мuddат мобайнида якка тартибдаги тadbиркорда сақланади;

товарлар олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

14. Товарлар сотилаётганида якка тартибдаги тadbиркор, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, сотилаётган товарнинг мувофиқлик сертификатига эга бўлиши шарт.

15. Бошқа якка тартибдаги тadbиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар сотилиши чоғида қуйидагилар товарларни харид қилиш манбаини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади:

якка тартибдаги тadbиркор – ишлаб чиқарувчи билан тузилган шартнома;

агар шартномада олдиндан тўла ёки қисман ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса, етказиб берилган товарлар учун ҳақ тўлангани тўғрисида тўлов топшириқномасининг нусхаси. Агар шартномада олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилмаса, сотиш пайтида тўлов топшириқномасининг нусхаси талаб қилинмайди, лекин етказиб берилган товарлар учун ҳақ тўланганидан кейин якка тартибдаги тadbиркорда белгиланган мuddат мобайнида товарларни харид қилиш манбаини тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан бира сақланади;

товарлар олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

16. Қуйидагилар товарлар сотилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлиб ҳисобланади:

назорат-касса машинаси умумий кўрсаткичи («З» ҳисоботи) – назорат-касса машинаси қўлланилиши билан товарлар сотилганда;

банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари чеклари нусхалари – ҳисоб-китоб терминали қўлланилганда;

Товар чеклари дафтери – товар чеки берилганда.

17. Ҳисоб дафтерига қуйидаги ёзувлар киритилади:

товарлар рекузитлари тўғрисида (товар номи, товар манбаини тасдиқлайдиган ҳужжат, кирим ҳужжати, тўлов ҳужжати, товар коди, ўлчов бирлиги, харид нархи, боғхона расмийлаштируви бўйича харажатлар, бошқа харажатлар, миқдори, ўртача нарх товарни сотиб олиш бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) – улар турғун савдо шохобаси ҳудудига жойлаштирилганидан кейин дарҳол. Бунда товар коддини тadbиркорнинг ўзи Ҳисоб дафтери доирасида такорпланмайдиган қилиб эркин равишда белгилайди;

«Ой» ва «Ой бошидаги қолдиқ» устунлари – ҳар ой савдо бошланишига;

«Сотилди», «Кун охиридаги қолдиқ», «Харажатлар» ва «Даромад» устунлари – ҳар ой савдо кунни охирида.

Бунда:

«Бошқа харажатлар» сатрида товарни харид қилиш билан боғлиқ харажатларига кўрсатилади;

«Харид қилиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда ўртача нарх» сатрида «харид нархи», «боғхона расмийлаштируви харажатлари» ва «бошқа харажатлар» сатрлари суммасини «миқдор» сатрига бўлиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади;

бир кунда сотилган товарлар суммаси назорат касса машинаси кўрсаткичи билан мос тулиши керак («З» ҳисоботи) ва (ёки) банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари чеклари ёки ёзилган товар чеклари суммаси билан;

«Ой бошидаги қолдиқ» устуни бундан олдинги ой «Ой охиридаги қолдиқ» устуни билан мос келиши керак;

«Харажатлар» устуни тегишли ойда «Харид харажатларини ҳисобга олган ҳолдаги ўртача нарх» сатри кўрсаткичини ушбу ойда сотилган товар миқдорига («Сотилди: миқдор» устуни) қўпайтириш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади;

«Даромад» устуни «Сотилди: сумма» ва «Харажатлар» устунлари ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

18. Ҳисоб дафтери жадваллари товарларнинг ҳар бир гуруҳига алоҳида тўлдирилади.

19. Товарларни харид беришда сотиш Товар чеклари дафтерининг алоҳида varaғида акс эттирилади. Товар чеки икки нусхада тўлдирилади, бир нусхаси қирғиб олинади ва харидорга берилади, бошқаси Товар чеклари дафтерига тикилган ҳолда қолади. Бунда харидорга бериладиган товар чекидаги барча ёзувлар, Товар чеклари дафтерига тикилган товар чеки билан айнан бир хил бўлиши керак.

20. Товар чеки рақами босмаҳона усулида қўйилади. Товар чеклари дафтерига чек рақамлари қатъий изчил бўлиши керак. Харидорга бериладиган товар чеки рақамлари ва Товар чеклари дафтерига тикилган товар чеки билан айнан бир хил бўлиши керак.

21. Товар чекига қуйидаги ёзувлар киритилади: сотувчининг СТИР, Ф.И.О. ва имзоси – дафтерни солиқ органида рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилганча барча varaқларда якка тартибдаги тadbиркор томонидан мустақил равишда; қолган ёзувлар – товар чеки харидорга берилишига чекли сотиш пайтида.

22. Товар чеклари дафтерининг varaқлари тўлдирилганда: «Товар номи (коди)» устунида Ҳисоб дафтери бўйича товар коди ёки товарнинг қисқа номи акс эттирилади;

бир харидорга сотиладиган ҳар бир товар алоҳида сатрда акс эттирилади. Агар битта харидорга сотиладиган товарларнинг барча номини Товар чеклари дафтерининг бир varaғида акс эттириш мумкин бўлмаса, битта харидорга сотиш бир неча varaқларда расмийлаштирилади ва унга биттадан қўп товар чеки берилади;

Товар чеклари дафтери varaғини тўлдирилмаган сатрлари чизиб қўйилади;

нарх, миқдор ва сумма тўғрисидаги маълумотлар рақамлар билан киритилади;

нарх ва сумма тўғрисидаги маълумотлар сўмларда кўрсатилади.

23. Сотилган айланмаси ҳажми анча бўлганда, якка тартибдаги тadbиркорнинг аризасига биноан, товар чеклари дафтери илгари берилган дафтар туташига қадар рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Бунда илгари солиқ органида рўйхатдан ўтказилган, яқунланган дафтерни тақдим этмасдан туриб фақат битта Товар чеклари дафтерини рўйхатдан ўтказишга рухсат берилади.

#### 4-БОБ. ҲИСОБОТНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

